

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

Ҳайдаров Нуриддин

**Малакали белбоғли курашчиларнинг жисмоний сифатларини
ривожлантириш учун хафталик микроцикл юкламаларини
такомиллаштириш услубияти**

Таълим йўналиши: 5810200 «Спорт» (спорт турлари бўйича)

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди.

«Миллий ва халқаро кураш турлари»

кафедраси мудир п.ф.н. Бакиев З.А.

« ____ » _____ 2011 йил

Илмий раҳбар:

_____ п.ф.н. Утенов О.У.

ТОШКЕНТ 2011 й.

Мундарижа

Кириш	3
I. БОБ. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ.....	6
1.1. Курашчиларнинг жисмоний тайёргарлиги бўйича машғулот жараёнини режалаштиришда баъзи услубий ёндашувлар тавсифи.	6
1.2. Кураш машғулотларида мезоциклларда жисмоний тайёргарлиги бўйича машғулот юктамалари ҳажмларини қайд қилиш.....	13
1.3. Курашчиларнинг микроцикл юктамаларини режалаштириш	17
II БОБ. ТАДҚИҚОТ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ, УСЛУБЛАРИ ВА УНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.....	25
2.1. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари	25
2.2. Тадқиқот услублари	25
2.2.1. Илмий услубият адабиётларини ўрганиш ва таҳлил қилиш	26
2.2.2. Педагогик кузатиш	26
2.2.3. Педагогик назорат синовлари	27
2.2.4. Пульсометрия, динамометрия, хронометрия.....	27
2.2.5. Педагогик тажриба.....	28
2.2.6. Математик статистик усуллар:	28
2.3. Тадқиқотларни ташкиллаштириш	29
III. ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ.....	30
3.1. Малакали курашчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш учун ҳафталик микроцикл юктамалар	30
3.2. Малакали белбоғли курашчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантиришни таҳлили	37
АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР	41
Хулоса	42
АДАБИЁТЛАР:.....	44

Кириш

Мамлакатимизда кўпдан-кўп халқаро миқёсдаги мусобақаларнинг сурункали ўтказилиши, ўзбек спортчиларининг Жаҳон, Олимпия ва Осиё мусобақаларида юксак натижаларга эришиши мустақил юртимиз шуҳратини Жаҳон ҳамжамияти олдида тараннум этмоқда.

Соҳа бўйича қабул қилинган Президент Фармонлари ҳамда ҳукумат қарорлари барча спорт турлари каби курашида ҳам глобал прогрессив ўзгаришларга олиб келди. Бу эса истеъдодли юқори малакали белбоғли курашчиларимизни етишиб чиқиши ва уларни дунёнинг етакчи курашчилар билан тенгма-тенг беллашуви юртимиз куч-қудрати, унинг спорт салоҳияти қанчалик юксалиб бораётганидан дарак беради.

Мавзунинг долзарблиги: Республикамизда кураш турлари бўйича иқтидорли спортчиларни етиштириш мунтазам равишда рақобатнинг кескинлашиб боришига, машғулотлар жараёни шиддатини талаб даражасида кучайтиришга олиб келмоқда. Бу эса малакали белбоғли курашчиларни тайёрлаш борасидаги янги услубларни шакллантириш ва изланишларга чорламоқда (2,3).

Малакали белбоғли курашчиларни тренировка юкламаларни режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш, ҳисобга олиш ва машқлар шиддати ҳажмининг оптимал йўлларини мунтазам излаш, юкламаларнинг курашчилар имкониятларига мувофиқлиги асосида тренировка жараёни ҳамма томонларининг қатъий ҳисобга олган ҳолда назорат тизимининг янада самарали тизимини яратиш зарур.

Шунга асосланиб айтиш мумкинки, ишининг танланган мавзуси долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади. Малакали белбоғли курашчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш учун ҳафталик микроцикл

юкламаларни такомиллаштириш услубияти орқали мусобақа фаолияти кўрсаткичини юқори натижага кўтариш

Тадқиқот вазифалар:

1. Малакали белбоғли курашчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш учун хафталик микроцикл юкламаларни такомиллаштириш услубияти бўйича меъерий хужжатларини ўрганиш;

2. Малакали белбоғли курашчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш учун хафталик микроцикл юкламаларни такомиллаштириш услубияти аниқлашда малакали белбоғли курашчилар билан ўтказиладиган ўқув-тренеровка жараёни таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг фаразу- Малакали белбоғли курашчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш учун хафталик микроцикл юкламаларни такомиллаштириш услубияти ишлаб чиқиш орқали малакали белбоғли курашчиларнинг тайёргарлигини юқори даражага кўтариш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Мазкур битирув малакали ишида малакали белбоғли курашчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш учун хафталик микроцикл юкламаларни такомиллаштириш услубиятини биринчи бор назарий ҳамда тадқиқотда асослаб берилди. Бунинг учун куйидагилар аниқланди:

- Малакали белбоғли курашчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш учун хафталик микроцикл юкламаларни такомиллаштириш услубияти орқали тренеровка жараёни чуқур ўрганиш қаратилган.

- Малакали белбоғли курашчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш учун хафталик микроцикл юкламаларни такомиллаштириш услубиятини самарадорлигини малакали курашчиларда тадқиқотда синаб кўрилди.

Тадқиқотнинг ишчи тахмини. Бизнинг тахминимизча, малакали белбоғли курашчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш учун хафталик микроцикл қўллаш янгича тақсимлаш юқори спорт натижаларни беради.

Ишнинг амалий аҳамияти. Шундан иборатки малакали белбоғли курашчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш учун хафталик юкламаларни оптимал режалаштириш халқаро мусобақаларга тайёргарлигида спорт натижаларини оширишда малакали спортчиларни тайёрлашда имкон яратади.

I. БОБ. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

1.1. Курашчиларнинг жисмоний тайёргарлиги бўйича машғулот жараёнини режалаштиришда баъзи услубий ёндашувлар тавсифи

Жисмоний тарбия назарияси ва усулиятида спорт маҳоратининг турли томонларини такомиллаштириш муаммоларига бағишланган тадқиқотлар етарлича кўп. Бироқ жисмоний тайёргарлиги бўйича услубий ёндашувлар сони анча чекланганлиги учун шу нарса ҳаммада катта қизиқиш ўйғотади. Агар ушбу муаммо тарихига назар солсак, шуни таъкидлаш жоизки, бизнинг нуқтаи назаримизда, услубий ёндашувнинг энг муҳим йўналишларидан бири-жисмонийхусусиятидаги машқларнинг қўлланиладиган ҳаракатларнинг техник-тактик жамғармасига мувофиқлигидир.

Кураш бўйича адабиётларда курашчилар вазнининг жисмоний тайёргарлиги бўйича тажриба материаллари учрамади ва шунинг учун курашчилар вазнининг жисмоний тайёргарлиги бўйича машғулот жараёнининг ташкил қилинишига таъсирини катта қизиқиш билан ўрганиб чиқдик. Бундай ишлар ҳам кам, ҳатто жуда ҳам кам дейишимиз мумкин. (29,37). Бу ишларнинг кўпчилик муаллифлари шуни таъкидлайдиларки, морфофункционал кўрсаткичлар, шунингдек, жисмоний сифатларнинг ривожланиш даражаси ҳар хил вазн тоифасидаги курашчиларда бир хил эмас, бу ўз навбатида, машғулот жараёнини режалаштириш ва ташкил этишга табақалаштирилган ҳолда ёндашишни тақозо этади. Бошқа спорт турларида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, турли вазн тоифасидаги курашчиларда ҳам морфофункционал, ҳам функционал кўрсаткичларда кенг фарқлар кузатилади. Бу кўпчилик муаллифларга турли вазн тоифасидаги курашчиларга уларнинг кучли, устун бўлган қобилиятларини такомиллаштириш мақсадида индивидуал-гуруҳли

ёндашиш зарур эканлиги тўғрисидаги фаразни олдинга қўйишга ва тажрибада исботлашга ёрдам берди.

Ҳозирги пайтда курашида турли вазн тоифасидаги курашчиларнинг машғулотларига тааллуқли бўлган бир қатор тажриба изланишлари мавжуд. Турли вазн тоифасидаги курашчиларнинг машқланиши бир хил эмас. Бир хил машғулот воситалари ва услубларининг қўлланилиши ўрта вазн гуруҳидаги спортчиларда жисмоний тайёргарликнинг ўн иккита, енгил вазн гуруҳидаги курашчиларда жисмоний тайёргарликнинг олтита кўрсаткичларида ўсишга сабаб бўлди. Шу туфайли муаллиф ўқув-машғулот жараёнида курашчиларни вазн-буй кўрсаткичлари бўйича яқин гуруҳларга бирлаштиришни ва турли хил машғулот воситалари ҳамда услубларини қўллашни тавсия этади. Бундан ташқари, муаллиф учта вазн гуруҳларидаги курашчиларнинг жисмоний тайёргарлиги даражаси ва тузилишидаги фарқларни аниқлаган. Хусусан, унинг аниқлашича, ҳар бир вазн гуруҳи ичида жисмоний тайёргарликнинг турли-туманлиги даражасини акс эттирувчи энг ахборотли тестларнинг ҳар хил сони ажратилади. Боз устига, аниқланган жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларидан бирон бири учала вазн гуруҳидаги курашчилар учун умумий бўла олмади. Бундан ташқари, курашчилар вазн тоифаси ошиши билан махсус чидамлилиқ даражаси пасаяди. Махсус чидамлилиқ ўтказиладиган техник-тактик ҳаракатлар сони ва уларнинг самарадорлигига қараб аниқланади. Курашчилар вазни ортиб борган сари мушакларнинг статик ва динамик иш режимида бажариладиган оғирликлар билан машқлардаги куч чидамлилиги кўрсаткичлари ҳам камаяди.

Курашчиларнинг чидамлилиқни ривожлантириш усулияти ҳам турли вазн тоифасидаги спортчиларда ҳар хил бўлиши лозим. Томир уриши дақиқасига 150 зарба билан ўтказиладиган бир текис машғулот самарадорлигини аниқлаётиб муаллиф енгил ва оғир вазн

тоифасидаги курашчиларда шуни кузатганки, аэроб иш қобилиятида энг катта ўзгаришлар оғир вазнлилар гуруҳида, кам ўзгаришлар энгил вазнлилар гуруҳида содир бўлган. Шу сабабли кўрсатиб ўтилган режим, муаллифнинг фикрича, катта вазнга эга спортчиларнинг самарали услуби ҳисобланади. Энгил вазнлилар учун аэроб иш қобилиятини ошириш мақсадида юкламанинг энг юқори пульс режимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Курашчиларнинг анаэроб имкониятларида фарқлар борлиги аниқланган. Морфофункционал кўрсаткичлар комплекси бўйича, жумладан, максимал аэроб ва анаэроб имкониятлар бўйича оғир вазн тоифасидаги спортчилар энгил вазндагилардан анча орқада қоладилар. Бу уларнинг аэроб ва анаэроб хусусиятидаги шиддатли ишга бўлган функционал жиҳатдан лаёқатининг пасайиши белгиси сифатида баҳоланади. Муаллифларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, спортчиларларнинг морфологик хусусиятлари ҳам минтақавий, ҳам глобал хусусиятга эга машқларда иш қобилиятининг намоён бўлишига катта таъсир кўрсатади. Глобал хусусиятидаги машқларни бажаришда ҳар томонлама юқори кўрсаткичларга эга спортчилар нисбатан кам иш қобилияти билан ажралиб туради. Бу уларнинг аэроб ва анаэроб қобилиятлари паст даражада эканлигини яна бир бор исботлайди. Тадқиқотларининг кўрсатишича, субмаксимал ва катта шиддатли 6 дақиқали синовдан кейин турли вазн тоифасидаги спортчиларда тикланиш жараёнлари динамикаси ўзининг хусусиятларига эга бўлади. Оғир вазн тоифасидаги спортчиларга энгил вазнлиларга қараганда, тикланиш учун кўп вақт талаб қилинади. Муаллифларнинг таъкидлашича, энгил вазн тоифасидаги спортчиларда энергия захираси катта эмас, ишлаб чиқариши эса юқори. Шунинг учун уларга, ўрта ва оғир вазн тоифасидаги спортчиларга нисбатан, вақтига кўра қисқароқ, лекин шиддатлироқ юкламаларни тавсия этиш мумкин. Бир вақтнинг ўзида

оғир вазнлилар учун ёғ массасининг юқори кўрсаткичлари хос бўлиб, юкламанинг умумий ҳажмини ошириш учун анча кўп вақт зарур бўлади. Уларнинг шиддати ва давомийлиги енгил вазн тоифасидаги спортчиларга қараганда бирмунча паст бўлиши керак.

Спортчилар чидамлилигининг бўй-вазн кўрсаткичлари билан боғлиқлигини ёритиб берувчи бир қатор тадқиқотларда муаллифлар кўпинча махсус чидамликнинг намоён бўлишини белгилаб берувчи юрак-қон томир ва нафас олиш тизимларининг иш қобилиятини ифодаловчи функционал кўрсаткичлардан фойдаланадилар.

Спортчининг гавда вазни ортиб бориши билан мутлақ куч имкониятлари ўсади. Нисбий куч (мутлақ кучнинг гавда вазнига нисбати) кўрсаткичлари эса камаяди. Шунингдек, аниқланганки, спортчиларнинг куч ва жисмонийтайёргарлиги морфологик белгилардан диаметрал қарама-қарши боғлиққа эга. Агар спортчининг гавда ўлчамлари ошиб борган сари шахсан куч кўрсаткичлари ўсиб борса, жисмонийкўрсаткичлар пасаяди. Енгил вазн тоифасидаги спортчиларда оғир вазнлиларга қараганда жисмонийсифатлари даражаси ўз гавдасининг оғирлигини силжитиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатларда анча юқоридир. Енгил вазн тоифасидаги спортчилар ўзларининг ўрта ва оғир вазндаги шерикларидан кучнинг нолдан максимумгача ўсиб бориш тезлиги бўйича устунлик қиладилар.

Турли вазн тоифасидаги спортчиларга хос бўлган у ёки бу хусусиятларни ҳисобга олиш муҳим эканлигига эътибор қаратилган бошқа тадқиқотлар ҳам мавжуд. Адабиётлар шарҳи асосида шундай хулосага келиш мумкинки, спортчининг гавда вазни жисмоний сифатларнинг намоён бўлишига, организмнинг турли тизимларининг морфофункционал ҳолатига ва бошқа кўрсаткичларга катта таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, спортчиларнинг вазн-буй кўрсаткичлари энг муҳим индивидуал хусусиятлардан бири ҳисобланади. Уларни, кўпчилик муаллифларнинг фикрича, машғулот жараёнини режалаштириш ва ташкил қилишда эътиборга олиш зарур. Ушбу муаммо айниқса жисмоний тайёргарлиги бўйича табақалаштирилган дастур бўлиши керак бўлган спорт турларида жиддий тус олади.

Кўрилаётган муаммонинг муҳимлиги тўғрисида яна шу нарса далолат берадики, ҳозирги пайтгача курашда машғулот жараёнини режалаштириш ва ўтказиш ҳамма вазн тоифасидаги спортчилар учун қабул қилинган умумий тизим бўйича амалга оширилади. Жумладан, малакали белбоғли курашчилар машғулот жараёнини педагогик кузатиш натижалари, шунингдек, анкета сўрови ҳамда кураш бўйича етакчи мураббийлар ва мутахассислар билан олиб борилган суҳбатлар асосида илғор спорт амалиёти тажрибасини умумлаштириш шу ҳақда гувоҳлик беради.

Адабиёт манбалари таҳлили шахсий вазнга боғлиқ ҳолда жисмоний тайёргарликнинг асосий томонларини такомиллаштириш муаммосига бўлган мавжуд қарашларни аниқлаш имконини берди.

Курашда олиб борилган тадқиқотларнинг кўпчилиги куч, чидамлилик, эгилувчанликни такомиллаштириш муаммоларига, шунингдек, турли вазн тоифасидаги курашчилар жисмоний тайёргарлигининг бошқа алоҳида томонларига бағишланган. Бироқ жисмоний тайёргарлик даражаси, вазн тоифалари ва техник ҳаракатлари жамғармаларида мавжуд фарқларга боғлиқ ҳолда курашчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантиришга қаратилган муайян спорт машғулоти воситалари ва услубларини аниқлаб берувчи тажриба тадқиқотларини учратмадик. Ушбу масала юзасидан илмий асосланган маълумотларнинг йўқлиги ҳар бир курашчининг кучли ва бўш томонларини тўлақонли ҳисобга олишга, муносиб машғулот воситалари ҳамда услубларидан фойдаланишга, турли

вазн тоифасидаги курашчилар ўқув - машғулот жараёнини режалаштиришда уларнинг етакчи ҳаракат сифатларини ҳамда индивидуал техник ҳаракатлар жамғармасини мақсадли такомиллаштиришга имкон берди. Шу сабабли бу муаммолар кураш учун долзарб ҳисобланади.

Курашчининг жисмоний тайёргарлиги спорт тренировкасининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади ва жисмоний сифатлар - куч, чидамлилиқ, эгилувчанлик, чаққонлик ва тезкорликни ривожлантиришга қаратилган жараёндир (7, 13, 46).

Жисмоний тайёргарликнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Курашчилар соғлиғи даражаси ва улар организми турли тизимларнинг функционал имкониятларини ошириш.

Жисмоний сифатларни спорт курашининг ўзига хос хусусиятига жавоб берадиган бирликда жисмоний сифатларни ривожлантириш.

Жисмоний тайёргарлик умумий, ёрдамчи ва махсус тайёргарликка бўлинади.

Курашчининг умумий жисмоний тайёргарлиги юқори натижаларга эришиш учун пойдевор, зарур асос ҳисобланади. У асосан қуйидаги вазифаларнинг ҳал этилишини таъминлайди:

Курашчи организмни ҳар томонлама гармоник ривожлантириш, унинг функционал имкониятларини ошириш, жисмоний сифатларини ривожлантириш (18, 25, 28).

Саломатлик даражасини ошириш.

Шиддатли тренировка ва мусобақа нагрузкалари даврида фаол дам олишдан тўғри фойдаланиш.

Умумий жисмоний тайёргарлик турли воситалар тўплашини ўз ичига олади. Улар орасида снарядларда ва снарядлар билан бажариладиган машқлар, шерик билан махсус тренажерлада бажариладиган машқлар, бошқа спорт турлари: акробатика, енгил

атлетика, спорт ўйинлари, сузи ва ҳ.к.дан олинган умумий ривожлантирувчи машқлар ажратилади.

Ёрадамчи жисмоний тайёргарлик_ махсус ҳаракат малакаларини ривожлантиришга қаратилган катта ҳажмдаги ишни самарали бажариш учун зарур бўлган махсус асосни яратишга мўлжалланган. У анча тор ва ўзига хос йўналишга эга ҳамда қуйидаги вазифаларни ҳал этади (45):

Асосан кураш учун кўпроқ хос бўлган сифатларни ривожлантириш.

Курашчи ҳаракатларида катта даражада иштирок этувчи мушак гуруҳларини танлаб ривожлантириш.

Ёрадамчи жисмоний тайёргарликнинг илғор воситалари сифатида шундай машқлар қўлланиладики, улар ўзининг кинематик ва динамик таркиби ҳамда асаб-мушак кучланиши хусусиятига кўра курашчининг мусобақа фаолиятида бажарадиган асосий ҳаракатларига мосдир. Шундай машқлар орасида қуйидагиларни ажратиш мумкин: курашнинг турли усуллари ишора орқали бажариш; махсус тренажер мосламаларида бажариладиган машқлар; курашчилар манекени билан машқлар.

Курашчининг махсус жисмоний тайёргарлиги_ҳаракатланиш сифатларини курашчиларнинг мусобақа фаолияти хусусиятлари томонидан қўйиладиган талабларга қатъий мувофиқ ҳолда ривожлантиришга қаратилган (12, 18, 24, 39).

Курашчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлиги асосан кураш гиламида ўтказилади ва ҳаракат малакалари таркибидаги энг муҳим ҳаракат сифатларини ривожлантиришга қаратилган. Шунинг учун махсус жисмоний тайёргарликнинг асосий воситалари сифатида мумкин бўлган турли мураккабликларни жалб қилган ҳолда мусобақа машқлари қўлланилади. Бундай мураккаблаштирилган машқлар курашчи организмга бўлган таъсирни кучайтиради. Масалан, оғирроқ вазн тоифасидаги шеригини ташлаш, шерикларни алмаштирган

ҳолда ўқув-тренировка беллашувлари бажарилади ва ҳ.к. Мана шу ҳамма машқлар энергия таъминотининг у ёки бу механизмларини ривожлантириш имконини таъминлайди, курашчининг машқланганлигига комплекс ҳолда таъсир кўрсатади ҳамда бир вақтнинг ўзида унинг жисмоний ва техник-тактик тайёргарлигини оширади.

Жисмоний тайёргарликнинг ҳамма кўрсатилган турлари бир-бири билан узвий боғлиқ. Тренировка жараёнида бирон бир жисмоний тайёргарлик турларига етарлича баҳо бермаслик охир-оқибат спорт маҳоратини ошишига тўсқинлик қилади. Шунинг учун тренировка жараёнида кўрсатилган жисмоний тайёргарлик турларини оптимал нисбатига риоя қилиш жуда муҳимдир. Унинг сон жиҳатдан ифодаси доимий ўлчам ҳисобланмайди, балки курашчилар малакаси, уларнинг алоҳида хусусиятлари, тренировка жараёни даври ва организмнинг шу пайтдаги ҳолатига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради.

1.2. Кураш машғулотида мезоциклларда жисмоний тайёргарлиги бўйича машғулот юкламалари ҳажмларини қайд қилиш

Ҳозирги пайтда машғулот жараёнини муваффақиятли бошқарилиши дастурлаш билан боғлиқ. Машғулот жараёни тўғрисидаги сифат тасаввурларини аниқламай туриб ҳамда машғулотнинг асосий белгиларини миқдорий ифодалаш услубларини танламай туриб дастурлаш муаммоларини муваффақиятли ҳал этиб бўлмайди. Кураш турида спорт маҳорати шаклланиши жараёнининг умумий қонуниятлари ҳамда хусусиятлари тўғрисида илмий-назарий билимларни талаб этади. Улар мақсадли вазифаларни олдинга қўйиш, йиллик циклда махсус жисмоний тайёргарлик мазмуни ва уни

ташқил қилиш шакллари аниқлашга бўлган шарт-шароитлар сифатида қатнашади.

Шундай қилиб, жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришда мезоцикл юктамаларини режалаштириш усулиятини ишлаб чиқиш бўйича мақсадли вазифаларни қўйишга киришишдан олдин бундай машғулот юктамаларини қайд қилиш ва таҳлил этиш жараёни қай тарзда амалга оширилишини аниқлаб олиш зарур. Ҳозирда юқори малакали спортчилар тайёргарлиги хусусиятларини, шунингдек, объектив зарурият ва кўп вақтнинг машғулот юктамаларини назорат қилишга сарфланишини эътиборга олиб, тезкор-куч ишини ҳисобга олиш ҳамда таҳлил этишни алоҳида ажратиш ва мустақил равишда кўриб чиқиш зарур. Кураш каби яккакураш турида ҳозирги замонда ҳатто юқори малакали курашчилар тайёрлаш амалиётида тезкор-куч тайёргарлиги бўйича машғулотлар ҳеч қаерда мустақил машғулотларга бўлинмайди. Бу нима? Онгли қарорми ёки камчиликми? Мамлакатимизнинг етакчи мураббийлари билан бўлган суҳбатлардан аниқланишича, бу қайсидир жиҳатдан камчиликдир. Уни имкон қадар тезроқ бартараф этиш зарур. Нимадан бошлаш зарур? Эҳтимол, тезкор-куч тайёргарлиги бўйича машғулотларни, машғулот кунининг мустақил қисми сифатида алоҳида машғулотга бўлиш керакдир. Бу ерда шуни эътиборга олиш жоизки, тезкор-куч тайёргарлиги бўйича машғулотлар айнан йиллик циклнинг базавий босқичлари учун тааллуқлидир. Чунки тайёргарликнинг бошқа босқичлари учун машғулотнинг ҳамма вақтини фақат тезкор-куч хусусиятидаги воситаларга бағишлаш хос эмас.

Жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришдаги мезоцикл юктамаларни бажаришда қандай назорат услубидан фойдаланиш кераклигини аниқлаб берувчи ягона қоида йўқ. Бундай машғулот юктамаларини назорат қилиш ва таҳлил этишнинг самарали

воситаларини режалаштиришнинг оқилона шаклларини излаб топиш олимлар ҳамда мураббийларнинг долзарб вазифасига айланади.

Спорт курашида кўпчилик муаллифлар (28,30) ҳамма машқларни учта гуруҳларга таснифлайдилар - мусобақа, махсус тайёргарлик ва умумий тайёргарлик. Савол туғиладики, жисмоний тайёргарлиги воситаларини қаерга киритиш мумкин? Бу ерда бир хил жавобнинг ўзи бўлиши мумкин эмас, чунки баъзи мутахассислар гуруҳларга ажратишда ўзларининг принципларига асосланадилар, ҳаммаси аҳамиятлилик асосида нима ётганлигига боғлиқ. Бизнингча, уларни умумий жисмоний тайёргарлик машқларига киритиш лозим, лекин улар махсус тезкор-куч машқлари (воситалари) деб номланиши зарур. Уларни махсус тайёргарлик машқлари, деб ҳисоблаш мумкин эмас, чунки, бизнингча, у ерда фақат гиламда шерик билан бажариладиган машқлар киради. Шундай қилиб, қўлланиладиган машғулот воситаларининг умумий тузилмасидан тезкор-куч йўналишидаги машқларни ажратиб олиб, бу машғулот юктамаларини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш тизимини ишлаб чиқишга киришиш мумкин. Бунинг учун ҳисобга олиш тизимини турли хил мезонлар, жумладан, спорт курашида ҳозирга қадар қўлланилмаган мезонлар бўйича оптималлаштириш керак. Бунда мураббий тезкор-куч тайёргарлиги жараёнини шундай оптималлаштириши керакки, у бажариладиган иш мазмунини тўлиқ ёритиб берадиган ахборотни олиши зарур. Умуман, бу ерда тезкор-куч йўналишидаги машқларнинг ўзи (ҳамма зарур умумий маълум услубий тамойиллар билан) тадқиқот объекти сифатида қатнашади: оғирликлар вазни, бажарилиш сони, ёндашишлар, сериялар орасидаги дам олиш танаффуслари, машқнинг бажарилиш тезлиги ва ҳақозолар. Спортчи ҳаракатларининг турли-туманлиги унинг ташқи шароитлар ўзгаришига бўлган бир зумда, қатъий индивидуал реакцияси тезкор-куч тайёргарлиги бўйича машғулот жараёнини сон жиҳатдан таърифлаш

ва оптимал ташкил қилиш мураккаблигини белгилаб беради. Бунинг оқибатида ушбу жараёни таҳлил қилиш билан боғлиқ бўлган ҳамма вазифалар бўш шаклланган ҳисобланади, бунда машғулот юктамаларини ҳисобга олиш тизими эса параметрларнинг ва тасодифий омилларнинг кўплиги туфайли мукамал бўлмайди. Бундай тарздаги таҳлилни ҳатто аналитик услублар ёрдамида оптималлаштириш қийин. Чунки ҳозирга қадар спорт курашида тезкор-куч тайёргарлиги бўйича машғулотлар алоҳида мақсадли мустақил машғулотларга ажратилмаган эди. Тезкор-куч тайёргарлиги бўйича машғулот жараёнини қайд қилиш юзасидан яратилган баённома мисолида тезкор-куч тайёргарлиги жараёнининг умумий хусусиятларини кўриб чиқамиз. Ушбу ҳужжатга киритилган энг муҳим параметрлар қўйидагилардир: ЎМЙ (ўқув машғулот йиғини)ни ўтказиш жойи, машғулот санаси, вақти, машқлар (станциялар) номи, иш режими, машқлар ва айланалар орасидаги дам олиш танаффуслари, бажарилган айланалар сони, станцияларда бажаришнинг марта сони, снаряддаги оғирлик вазни, айлана тугагандан сўнг охирги снарядда ишлаб бўлгандан кейин юрак қисқариш тезлиги ва эслатмалар. Эслатмаларда мураббий томонидан бажариладиган ишнинг индивидуал хусусиятлари белгилаб қўйилади. Шу ерда таъкидлаш жоизки, бундай баённома гуруҳли машғулотлар учун ишлаб чиқилган, лекин, агар мураббий ва спортчида бошқа спортчиларга ўхшамаган индивидуал машқлар (станциялар) бўлса, унда эслатмада унинг номини шартли равишда ёзиб қўйиш ва бажариладиган ишнинг тегишли ҳажмини киритиш мумкин. Бундан ташқари, ҳар бир станция (машқ) бўйича маълумотларни киритиш жараёнида турли хил вазндаги оғирликларда ва иш режимида спортчиларнинг ушбу вазифадаги максимал натижаларини билиш лозим (буни дастлабки тестлаш натижасида олиш мумкин). Фақат шундан кейингина ҳисоб-китобларга, материалнинг кейинги таҳлилига киришиш мумкин.

Машғулот фаолияти жараёнини қайд қилиш, юқори малакали курашчилар тайёрлаш амалиётида қўлланиладиган ҳамма машғулот воситаларини ҳисоблаб чиқиш учун ахборотли параметрлар аниқлаб бўлингандан кейин машғулот юкламаларини ҳисобга олиш бўйича дастур ишлаб чиқишга ўтиш мумкин.

Техник вазифани тайёрлаш учун яна бир вазифани ҳал этиш лозим эди, усиз дастурни тузиб бўлмайди. Иш хусусиятини интеграл баҳолашга ёрдам берадиган у ёки бу физиологик ўзгаришлар кўринишидаги спортчилар срганизмининг юкламага бўлган реакциясини педагогик воситалар ёрдамида қандай баҳолаш лозим? Машғулот юкламалари катталикларини баҳолашга бўлган ёндашув ҳар хил бўлиши мумкин. Бироқ спортчи организмнинг функционал ҳолатини ифодаловчи энг ахборотли ва интеграл кўрсаткич ЮҚТ ҳисобланади. У қандайдир даражада иш шиддатини ҳам акс эттиради. Курашда машғулот юкламасини баҳолаш учун ЮҚТнинг қайд қилинишидан фойдаланиш бажарилган иш ҳажминини объектив равишда аниқлаш имконини беради. Бунда машғулот вақтини (дақиқа) ва муайян иш тури якунлангандан сўнг бажарилиш шиддатини 10 сония ичида ЮҚТ реакцияси бўйича қайд қилиш зарур.

1.3 Курашчиларнинг микроцикл юкламаларини режалаштириш

Кураш машғулотларида ҳафталик микроцикл юкламаларини оптимал режалаштиришда тренеровка кўрсаткичлари машқланганлик динамикаси, спорт формаси юкламалар аниқланади, сўнгра эса машғулот даврлари ва босқичлари вазифалари белгиланади (23,51).

Асосий вазифалар, шунингдек уларни амалга ошириш воситалари ва услубларни белгилаб олингандан сўнг, юкламалар хусусияти ҳамда ўлчамлари режалаштирилади. Агар машғулот юкламалари ўзгармас даражада қолса, спорт натижаларининг ўсиши эртами-

кечми, албата, киритилади. Спортчи организми бир ҳил юкламага мослашиб қолади ва унга реакция қилмай қўяди. Натижада иш қобиятининг ошиши кузатилмайди. Машғулотлар жараёнида юкламалар ва машғулот циклари тўлқинсимон эркинлик ҳосил қилади ва нисбатан кичикдан максималгача ўзгариб туради. Бунда машғулот жараёни йил давомида ва кетма - кет бир неча йил кечади.

Битта машғулотдан иккинчисигача дам олиш оралиғи тикланишни кафолатлайдиган вақт чегарасида бўлади, лекин машғулотлар вақти - вақти билан қисман толиқиш мавжуд бўлган вазиятларда ҳам ўтказилади. Бу “кучли” цикллар деб аталади. Уларнинг маъноси, шунигдек, организмга ўта оғир талаблар қўйиш ва охир-оқибат шундай юкламалардан сўнг келгуси дам олиш пайтида кучли иш қобиятига эга бўлишдир (12,34).

Амалиёт ва тажриба машғулотларининг кўрсатишича, бундай иш тартиби маълум бир вақтларда ҳаққонийдир ва ижобий натижалар беради. Уни ҳафталик, ойлик ва йиллик цикллар доирасида қўллаш зарур.

Микроцикллар “юриштирувчи”, “кучли” ва “камаювчи” бўлиши мумкин.

“Юриштирувчи” микроцикллар организмни бўлажак катта юкламаларни қабул қилишга тайёрлаш учун хизмат қилади. Бу микроциклларда ҳар бир келгуси юклама иш қобиятининг тикланиш ва ўта тикланиш фазасида тўғри келиши зарур.

“Кучли” цикллар. Организмнинг функционал имкониятларини, демак, иш қобиятини янада ошириш мақсадида қўлланилади. Ушбу ҳолда ҳар бир келгуси юклама тикланмаганлик фазасига тўғри келади. Уч, тўрт кун давомида катта юкламалар берилади.

“Камаювчи” микроцикл юкломанинг аста-секин камайтириш ва организм иш қобиятининг тикланиши ҳамда тўла тикланиши учун фаол дам олишни назарда туттади.

Тайёргарлик даврида битта дам олиш кунидан иккинчи дам олиш кунигача ўтказиладиган микроцикл шартли равишда мусобақа микроцикли деб юритилади.

Машғулот курашларчилараро циклларининг хусусияти ва давомийлиги ҳар хил. Тайёргарлик даврида разрядли коллеж курашчиларини фаол тайёрлаш учун ҳафтасига 3 - 4 та машғулот етарлидир. Лекин олий спорт маҳоратига эришиш учун тез - тез машқ қилиб туриш ва ҳафтада турли хил юкламалар ва вазифалар белгиланган машғулотларни алмаштириб туриш зарур.

Шу нарсани ёдда тутиш жоизки, у ёки бу сифатларни ривожлантириш ва техникани такомиллаштириш маълум бир такрорлашлар сони қўлланилгандагина самара бериши мумкин. Масалан, куч, тезкорлик ва эгилувчанликни ҳар куни, чидамлиликини эса - нисбатан ора - орада ривожлантириш маъқулроқ.

Спортдаги тажриба ва илмий тадқиқотларини кўрсатишга, техникани такомиллаштиришда олдинги машғулотларда, нима бажарилганлигига бефарқ бўлмаслик зарур. Агар бу максимал шароитларда техникани ривожлантириш ёки такомиллаштиришга қаратилган машғулот бўлган бўлса, унда кейинги кунда техникани яхшилаш устида ишлаш мақсадга мувофиқ эмас. Техникани кичик кучланишлар билан бир неча кун давомида кетма - кет такомиллаштириш ижобий ўзгаришларга олиб келади.

Тайёргарлик даври одатда иккита босқичга бўлинади.

Биринчи, циклли босқичда умумий жисмоний тайёргарлик машғулотларини кўпроқ режалаштириш мақсадга мувофиқ. Бу пайтда мусобақа дарида муваффақиятли қатнашиш учун пойдевор қурилади.

Кураш техникасини такомиллаштиришга ҳам эътибор қаратилади. Тайёргарлик турлари бўйича фоизлардаги нисбатлар қуйидагича; 50% - жисмоний тайёргарлик, 40% - кураш техникасини такомиллаштириш ва 10% - тактикани такомиллаштириш.

Бу босқичда машғулотлар шиддатини бирмуна ошириш билан аста-секин иш ҳажми оширилади. машғулот ҳажми баҳорги босқичгача ўсиб боради. Шундан сўнг барқарорлашади ва бирмунча камаяди. Юклама шиддати эса биринчи босқичда катта эмас. Иш ҳажми камайиб борган сари, шиддат ошиб боради, у мусобақа даври бошланишидан олдин максимумга етади.

Катта машғулот юкламаси, одатда, натижаларнинг бевосита ўсишига олиб келмайди. Маълум бир вақт талаб этилади. Лекин бу пайтда катта ҳажмли ишни бажариш узоқ вақт спорт формасида бўлишини таъминлайди, шиддатли юклама эса спорт натижасининг бевосита ўсишига имкон яратади.

Тайёргарлик даврида юкламалар динамикаси максималдан минималгача бўлган чегарада тўлқинсимон тебранишларни ҳосил қилади (19, 37).

Учта юклама вариантлари мавжуд:

I.Юкламаларни аста - секин ошириш ҳафтаси ва камайтириш ҳафтаси.

II.Икки ҳафта юкламалари ҳафта иккинчи ҳафтада эришилган максимумдан 2-3 марта камайтириш ҳафтаси.

III.Уч ҳатлаб юкламани ошириши камайтириш ҳафтаси.

Махсус иш қобилиятининг энг кўп ўсиши иккинчи вариантда кузатилган.

Малакали курашчиларнинг биринчи ҳафтадаги юклама шуғуллунувчиларнинг имкониятлари даражасида режалаштирилади, иккинчи ҳафтада биринчи ҳафтага қараганда юклама 30 % кўп, учунчи ҳафта енгиллаштирувчи биринчи ҳафтанинг тахминий 50 % юкламаси. Тўртинчи ҳафта юкламаси иккинчи ҳафта юкламаси даражасида режалаштирилади, бешинчи ҳафта тўртинчидан 30 % га кўп, олтинчи ҳафта эса тўртинчи ҳафтаникидан 50 %ни ташкил этади. Еттинчи ҳафта юкламаси бешинчи ҳафта юкламаси

даражасида режалаштирилади, саккизинчи ҳафта еттинчаникидан 30% кўп, тўққизинчи ҳафта эса еттинчаникидан 50 % кам ва ҳ.к.

Бу таҳминий схема бўлиб, юкламаларни курашчиларнинг ҳолатлари ва имкониятларидан келиб чиқиб режалаштиришда унга амал қилиш мумкин, режага тегишли тузатишлар киритилади.

Мусобақалар бошланишидан олдин охириги ҳафта - энгиллаштирувчи, охириги ҳафтадан олдиғисини юкламаси бўйича энг каттаси. Бу ҳафтада учта ўртоқликкураши ва катта юкламали иккита машғулот ўтказилади.

Тайёргарлик даридаги машғулотлар бошланишидан 4-5 ҳафтадан сўнг “Кучли” ҳафта режалаштирилади, фақат бунда иш ҳажмини кўпроқ ошириш билан умумий жисмоний тайёргарлик катта ўрин эгаллайди.

Ҳафта ичида машғулотларни қуйидаги схема бўйича режалаштиришни тавсия этиш мумкин:

Якшанба - дам олиш куни.

Душанба –ўртача юклама билан машғулотлар.

Сешанба – ўртача юклама.

Чоршанба – ката юклама.

Пайшанба – ўртачадан паст, лекин кичикдан юқори юклама.

Жума – ўртача юклама.

Шанба - катта юклама.

Агар ҳафтада учта машғулот режалаштирилса, унда биринчи машғулот ўртача юклама иккинчиси катта, учинчиси - ўртача юклама билан ўтказилади. Агар тўртта машғулот ўтказилса, унда юклама тўртинчи машғулотда шундай тақсимланади; ўртача, катта ва ўртача.

Бу албатта, умумий схема, ҳаммаси организмниг имкониятлари ва ҳолатига боғлиқ. Шунини тушунтириш лозимки, агар ҳафта “кучи” бўлмаса, унда ҳар бир келгуси юклама тикланиш ва тўлиқ тикланиш вазифасида режалаштирилиши лозим. Жисмоний сифатларни

ривожлантириш тўғрисида гаплашаётиб, шуни ҳисобга олиш жоизки, ҳафталик циклнинг биринчи ярмига, одатда, тезкорлик, куч ва чаққонликни, иккинчи ярмига эса чидамлилиқнинг ҳамма турларини тарбиялаш режалаштирилади.

Кураш техникасини такомиллаштиришни машғулотларини бир қатор мутахассислар схема бўйича режалаштиришни тавсия этадилар:

биринчи машғулот - “стреотин”,

иккинчиси – “динамикали”,

учинчиси – “мослашиш”.

“Стреотин” машғулот - бу шундай машғулотки, битта машқнинг ўзи бир неча марта такрорланади (ҳеч қандай шароитларни ўзгартиришларсиз). “Динамикали” машғулотнинг моҳияти шундаки, машғулотлар ташқи чалғитувчи омиллар билан динамика ҳолида бажарилади ва ниҳоят, “мослашиш” машғулотида машқлар кураш шароитларида такомиллаштирилади.

Иккита биринчи машғулотлар ҳафталик циклнинг биринчи ярмида, “мослашиш” машғулоти эса иккинчи ярмида режалаштирилади.

Уста жамоаларда тайёргарлик даврининг ҳафталик микроциклида юкламалар одатда қуйидагича режалаштирилади:

чоршанба, пайшанба - катта юкламалар, душунба - кичик, қолган кунларда - ўртача юкламалар.

Мусобақа даврида режалаштириш календар кунларга боғлиқ бўлади. Агар курашлараро цикл бир ҳафтани ташкил этса, машғулот цикли схемасига амал қилиш мумкин. Агар кам бўлса, юкламаларни шундай режалаштириш лозим, кураш ва катта юкламалардан сўнг тикланиш икки кечаю - кундуз атрофида давом этишини эсда тутиш жоиз.

Умуман олганда, машғулотлар ва дам олишни шундай алмаштириб туриш лозимки, асосий машғулотлар, дам олиш тикланиш ҳамда юқори қобияти даражасида ўтказилиши зарур.

Бошқача қилиб айтганда машғулот жараёнининг ҳар битта маълум бир бўлаги орқали спортчиаввалги ишни унинг сифат ва сон кўрсаткичларини камайтирмаган, балки оширган ҳолда бажариш қобиятига эга бўлиши лозим. Албатта, турли даврлар ва босқичларда бундай бўлақларнинг давомийлиги турлича бўлади.

Лекин машғулотнинг ҳар бир вазияти бўйича юкламалар оптимал бўлиши керак. Улар курашчи имкониятларига мос келиши ва толиқишни эмас, балки иш қобиятининг ўсишига олиб келиши зарур.

Юқорида айтилганидек, машғулот жараёнида юклама параметрлари унинг ҳажми ва шиддати ошади.

Юклама ҳажми деганда бутун бажарилган иш сони тушунилади. Вақт ҳажми чопиб ўтилган километрлар сони, кўтарилган юк сони ва ҳ.к. билан ўлчанади.

